

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020. Tib.93.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ХАМРАЕВ НАИМ РУСТАМОВИЧ

**БОШ МИЯ ЖАРОҲАТЛАРИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БОЛАЛАРНИ
ДАВОЛАШ БОСҚИЧЛАРИДА РЕАБИЛИТАЦИЯ САЛОҲИЯТИ ВА
ҲАЁТ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.13–Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2022

Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хамраев Наим Рустамович

Бош мия жарохатлари билан хасталанган болаларни
даволаш боскичларида реабилитация салоҳияти ва
хаёт сифатини баҳолаш..... 3

Хамраев Наим Рустамович

Оценка реабилитационного потенциала и качества
жизни детей с травматической болезнью мозга на
этапах лечения 23

Khamraev Naim Rustamovich

Assessment of the rehabilitation potential and quality
of life of children with traumatic brain disease at the
stages of treatment 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 46

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ХАМРАЕВ НАИМ РУСТАМОВИЧ

**БОШ МИЯ ЖАРОҲАТЛАРИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БОЛАЛАРНИ
ДАВОЛАШ БОСҚИЧЛАРИДА РЕАБИЛИТАЦИЯ САЛОҲИЯТИ ВА
ҲАЁТ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.13–Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2020.4.PhD/Tib1207 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyoulet» Ахборот таълим порталида (www.ziyoulet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Раҳимбаева Гульнора Саттаровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Чутко Леонид Семенович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)
Ўринов Мусо Болтаевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

С.Д. Асфендияров номдаги козок миллий тиббиёт университети (Қозоғистон Республикаси)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/13.05.2020.Tib 93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «18» сентябр соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро ш. А. Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50) e-mail: buhmi@mail.ru

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 05 рақам билан рўйхатга олинган (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А. Навоий шох кўчаси 1-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50)

Диссертация автореферати 2022 йил «1» апрел куни тарқатилган.
(2022 йил «1» сентябр даги КС рақамли тарқатма баённомаси реестри)



[Handwritten signature]

Д.Т. Ходжиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

[Handwritten signature]

Н.Н. Каримова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари доктори

[Handwritten signature]

Г.А. Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи қошидаги илмий кенгаш қошидаги илмий семинарнинг раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бош мия жароҳатлари замонавий тиббиётнинг жиддий муаммоларидан бири ҳисобланади. Калла суяги ва мия жароҳатлари ЖССТ маълумотларига кўра, ҳар йили камида 2% га ортаёпти. Уртача касалланиш кўрсаткичи 100 минг нафар кишига 95 тани ташкил қилиб, ўлим кўрсаткичи эса 22% га етди. Бош мия жароҳатлари умумий таркибида болалар жароҳатланиши 21-75% ни ташкил этади, "...унинг тарқалганлиги эса 1,2 дан 11,2% гачани ташкил қилади"¹. Болаларда энг катта улуш енгил жароҳатлар ҳисобига тўғри келади. Юқорида кўрсатилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бош мия жароҳатлари билан ҳастланган болаларни даволаш босқичларида реабилитация салоҳияти ва ҳаёт сифатини баҳолашни такомиллаштириш неврологиянинг долзарб муаммосини ҳал этишнинг ягона ечими мавжуд эмаслигини тақозо қилади.

Жаҳонда бош мия жароҳатлари билан ҳастланган болаларни даволаш босқичларида реабилитация салоҳияти ва ҳаёт сифатини баҳолаш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада бош мия жароҳати бўлган болаларда олий нерв фаолиятини клиник-неврологик хусусиятларини, унинг оғирлик даражасини бош мия жароҳати билан оғирган болаларнинг ҳаёт сифатини PedsQL™4.0 сўровномаси ёрдамида реабилитация даволаш босқичларида ҳамда бош мия жароҳатлари билан ҳастланган болаларда реабилитация даволаш босқичларида реабилитация салоҳиятини мезонларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда болалар орасида турли соматик касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволаш, олдини олиш ва асоратларини камайтиришга қаратилган вазифалар юклатилган. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда бош мия жароҳатлари билан ҳастланган болаларни даволаш босқичларида реабилитация салоҳияти ва ҳаёт сифатини баҳолашга қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон

¹ Заваденко Н.Н., Нестеровский Ю.Е. Когнитивные и пароксизмальные расстройства в отдаленном периоде черепно-мозговой травмы у детей и подростков. // Журнал неврологии и психиатрии им. С.С.Корсакова. 2019. №1 (119) - с.110-117.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

«Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг аксарият мамлакатларида болалар ўртасида бош мия жароҳатларининг сезиларли ўсиши унга қарши кураш муаммосини долзарб қилиб қўйди (Лихтерман Л.Б., 2018). Ҳозирги босқичда амалий неврология воситаларининг катта захираси, шунингдек БМЖ кейин даволаш ва реабилитация усулларига эга бўлишига қарамай, даволаш ҳар доим ижобий таъсир кўрсатмайди (Закрепина А.В., 2012; Щепин В.О., Шишкин Е.В., 2019).

БМЖ бўлган беморларни реабилитация қилишнинг оқилона усулини танлаш ҳали ҳам муҳим қийинчиликларни келтириб чиқармоқда, бу эса ушбу патологияда самарали даволаш усулини излашнинг долзарблигини белгилайди. (Заваденко Н.Н., Нестеровский Ю.Е. 2019).

БМЖ билан хастланган болаларда беморларнинг ҲС ўрганилмаган бўлиб, ҳаёт сифати ўзгаришлари бўйича реабилитациянинг самарадорлиги баҳоланмаган.

БМЖни ўрганишга кўплаб тадқиқот ишлари бағишланган, бироқ, клиницистларни бу патология муаммоси кенг тарқалганлиги, жароҳатланиш таркибида патологиянинг юқори даражаси, ўсиш тенденцияси, патогенезнинг мураккаблиги, мавжуд даволаш ва реабилитация усулларининг кам самарадорлиги, бош мия жароҳати бўлган болаларнинг функционал, эмоционал ва руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши жалб қилишда давом этмоқда.

Бу БМЖдан кейин беморларнинг реабилитация муаммоси бутунлай ҳал қилинмаганини кўрсатади ва янада ўрганишни талаб қилади (Семенова Ж.Б. ва ҳаммуалифлар 2016).

Ўзбекистонда болалар орасида турли даражадаги неврологик касалликларни самарали ташхислаш ва даволаш амалиёти татбиқ этишда (Мажидова Я.Н., 2019, Омонова И.Ш., 2019; Раҳимбоева Г.С., 2020; Шомансуров Ш.Ш., 2020) катор илмий тадқиқотлар олиб боришган, бироқ,

БМЖ билан хастланган болаларни даволаш босқичларида реабилитация салоҳияти ва ҳаёт сифатини баҳолаш тартиби такомиллаштирилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Асаб тизими нейродегенератив касалликларини чуқур ўрганиш ва уларни эрта аниқлаш масалалари» (2018–2022) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бош мия жароҳати билан хасталанган болаларни даволаш босқичларида олий нерв фаолиятининг клиник хусусиятлари, реабилитация салоҳияти ва ҳаёт сифатини баҳолаш тактикасини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бош мия жароҳати билан хасталанган болаларда олий мия функциялари ҳолатининг клиник-неврологик хусусиятларини, унинг оғирлик даражасига қараб баҳолаш;

бош мия жароҳати билан хасталанган болаларда бош миyanинг морфо - структур ҳолати нейровизуализация хусусиятларини, унинг оғирлик даражасига қараб баҳолаш;

бош мия жароҳати билан оғирган болаларнинг ҳаёт сифатини PedsQL™4.0-халқаро болаларнинг ҳаёт сифати сўровномаси ёрдамида реабилитация даволаш босқичларида текшириш;

бош мия жароҳати ўтказган болаларда даволаш босқичларида реабилитация салоҳиятининг мезонларини ишлаб чиқиш;

реабилитация даволаш босқичларида бош мия жароҳати билан хасталанган болаларни даволаш ёндашув тамойилларини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази базасида 150 нафар 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар олинди, 120 (асосий гуруҳ) нафари бош мия шикасланиши ташхиси қўйилган болалар, 30 нафар соғлом болалар назорат гуруҳи сифатида олинган.

Тадқиқотнинг предмети болаларда бош мия жароҳатидан сўнг намоён бўлган клиник-неврологик кўринишлар, асоратлар таркиби ва ривожланиш клиникаси, жароҳлик ва консерватив даволаш натижалари, реабилитация салоҳияти ва ҳаёт сифатини комплекс ўрганиш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, неврологик, нейровизуализация ва статистик таҳлил усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

бош мия жароҳатлари бўлган болаларда реабилитация босқичида клиник кечишига қараб мушак тонуси ва пай рефлексларининг пасайиши, тиришиш синдром мавжудлиги, VII ва XII жуфт бош мия нервларнинг шикасланиши, геми ва тетрапарезнинг ривожланиши, чуқур рефлексларнинг пасайиши каби неврологик бузилишларнинг клиник ва прогностик ахамиятига баҳо берилган;

реабилитация чора-тадбирлар фонида бош мия жароҳатининг турли оғирлиги бўлган болаларда бош мия жароҳати кечишини умумий аҳволи, ҳуш

бузилиши даражаси, юрак уриши тезлиги кўрсаткичлари, кон босими, умум мия белгилари, бош мия нервларини ва ҳаракатланиш фаолиятини баҳолаш амалга оширилган;

корреляцион ўзаро боғлиқлик асосида бош мия жароҳати билан оғриган болаларнинг реабилитация салоҳиятини балли баҳолаш ишлаб чиқилган;

илк бор реабилитация салоҳиятини баҳолашда бош мия жароҳатлари билан ҳасаланган болаларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичлари ҳисобга олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари реабилитация салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда бош мия жароҳати билан ҳасаланган болаларда реабилитацияга табақалаштирилган ёндашувлар ишлаб чиқилган;

функционал бузилишларнинг оғирлик даражасига доир меҳнатга лаёқатсизлик ва устуворликга реабилитация прогнози, тиббий-ижтимоий реабилитация дастурларини амалга ошириш имкониятлари ишлаб чиқилган;

комплекс терапияни оқилона амалга оширилиши бош мия жароҳатлари билан ҳасаланган болаларда тургун асоратлар ва ногиронлик ривожланишини камайтирган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган болалар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник – неврологик, нейровизуализацион ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, ушбу касалликнинг клинко-неврологик кўринишлар, асоратлар таркиби ва ривожланиш клиникаси, жароҳлик ва консерватив даволаш натижалари, реабилитация салоҳияти ва ҳаёт сифатини ўрганиб, реабилитация прогнозларига мувофиқ реабилитация дастурларини ишлаб чиқишда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, ҳулоса олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти, болаларда бош мия жароҳатлари оқибатларини реабилитацияси муваффақияти нафакат аниқлиги ва ўз вақтидаги ташхисоти билан балки, шифокорнинг келажақда унинг кечиши хусусиятларини олдиндан кўра билиш қобилиятига боғлиқ, шундай қилиб, ҳаёт сифатини ҳисобга олган ҳолда реабилитация салоҳиятини баҳолаш қобилияти ушбу патологиядан асоратлар ва ногиронлик сонини камайтириш имконини бергани билан изоҳланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, олинган маълумотлар бош мия жароҳатлари билан ҳасаланган болаларнинг реабилитация салоҳияти ҳақида объектив тасаввур беради ва реабилитация чора-тадбирлари натижасини прогнозлаш, реабилитация ёрдамини режалаштириш ва таъминлашга табақалаштирилган тарзда ёндашиш имконини берганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бош мия жароҳатлари билан ҳасаланган болаларни даволаш босқичларида реабилитация салоҳияти ва ҳаёт сифатини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

бош мия жароҳатлари билан ҳасаланган болаларни даволаш

босқчиларида реабилитация салоҳияти ва ҳаёт сифатини баҳолашда «Миянинг жароҳатли касалланиши бўлган болаларда реабилитация имкониятларини аниқлаш усуллари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 3 ноябрдаги 8н-з/393-сон маълумотномаси). Натижада бош мия жароҳатлари билан хастланган болаларни даволаш босқчиларида реабилитация салоҳияти ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

бош мия жароҳатлари билан хастланган болаларни даволаш босқчиларида реабилитация салоҳияти ва ҳаёт сифатини баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда Сурхондарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг клиник амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 14 декабрдаги 08/09/19742-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши бош мия жароҳатлари билан хасталанган болаларни даволаш босқичларида реабилитация салоҳияти ва ҳаёт сифатини баҳолаш амалиётининг самарадорлигини асослаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Бош мия жароҳатлари билан хастланган болаларда ташхис қўйиш, даволаш, натижалар башоратлаш ва ҳаёт сифати муаммосининг ҳозирги ҳолати**» ўрганилаётган мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий маълумотларининг таҳлил натижаси келтирилган, бош

мия жароҳатлари билан хастланган болаларни даволаш босқичларида реабилитация салоҳияти ва ҳаёт сифатини баҳолашни ўзига хосликларига боғлиқ равишда адабиётларда мавжуд маълумотлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Бош мия жароҳатлари билан хасталанган болаларни ташхислаш ва ҳаёт сифатини баҳолаш материал ва усуллари**» ўтказилган тадқиқотда фойдаланилган материал ва методлар, клиник, неврологик, нейровизуализация материалларнинг умумий характеристикаси батафсил ифодаланган. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази базасида олиб борилган.

Диссертация ишида 150 нафар 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларни кўриқдан ўтказилган, улардан 120 (асосий гуруҳ) нафари БМЖ ташхиси қўйилган болалар олинган. Ҳаёт сифати ва ижтимоий мослашувни қиёсий таҳлил қилиш учун, назорат гуруҳи сифатида асосий гуруҳнинг жинси ва ёш мезонларига мос 30 нафар соғлом бола назорат остига олинган. Илмий тадқиқот ишлари 3 босқичда ўтказилган: биринчи босқичда БМЖ клиник кечиши динамикаси оғирлик даражасига қараб 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган 120 нафар бола ўртасида клиник таҳлил қилинган; 2 босқичда - олинган маълумотлар асосида болаларнинг ҳаёт сифатини ҳисобга олган ҳолда бош мия жароҳати билан хасталанган болаларнинг реабилитация салоҳиятини балли баҳолаш шкаласи ишлаб чиқилган; 3 босқич - ишлаб чиқилган бош мия жароҳати бўлган болаларнинг реабилитация салоҳиятини баллда баҳолаш самарадорлигини баҳолаш ва «Пантокальцин» ноотроп дори воситасининг самарадорлиги баҳоланган.

I гуруҳга БМЖ энгил кечиши билан 51 нафар бемор, жумладан 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган (ўртача ёш 8,4 ёш) 13 нафар (59,1%) ўғил болалар ва 9 нафар (40,9%) қизлар киритилган. II гуруҳга БМЖ ўрта оғирликда кечиши билан 22 нафар бемор, жумладан 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган (ўртача ёш 9,6 ёш) 32 нафар (62,75%) ўғил болалар ва 19 нафар (37,25%) қизлар киритилган. III гуруҳга БМЖ оғир кечиши билан 47 нафар бемор, жумладан 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган (ўртача ёш 9,8 ёш) 34 нафар (72,34%) ўғил болалар ва 13 нафар (27,66%) қизлар киритилган.

Ҳар бир бемор учун махсус ишлаб чиқилган, жумладан, бола ва оналарнинг паспорт маълумотлари, инструментал ва клиник текширув усуллари, маълумотларини тиббий рўйхатга олиш харитаси тўлдирилган.

Беморларда БМЖнинг механизми турлича бўлган, яъни, йўл-транспорти ҳодисалари 56 (46,67%) беморларда жароҳатланишга олиб келган, баландликдан тушиш 34 (28,33%) ҳолатда топилган, бошга зарба олиш 17 (14,17%) ҳолатда жароҳатланишга олиб келган. 13 (10,83%) ҳолатда жароҳат олиш механизми аниқланмаган. Ёпик БМЖ 76 нафар беморда (63,33%), очик тешиб ўтмаган 41 нафар беморда (34,17%), очик тешиб ўтган 3 нафар беморда (2,5%) аниқланган.

Текширув давомида беморлар ҳолатининг оғир-енгиллиги баҳоланиб, неврологик белгилар умумий мия ва ўчоқли белгиларга бўлинган. Тадқиқотда иштирок этган беморларнинг ҳушидан кетиши даражаси Команинг Глазго

шкаласи (ГКШ) билан баҳоланган. Ушбу шкала бўйича учта кўрсаткич баҳоланган - нутқ фаолияти, оғрикка жавоб ва кўз очилиши реакциялари. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, шкалада фойдаланилган баҳолаш балл мия фаолиятининг жароҳатланиш даражасини характерлайди, лекин шикастланиш томонини аниқлаш имкони бермайди.

Кечиктирилган натижаларини аниқлаш учун мия фаолияти тикланишининг педиатрик шкаласи (Pediatric Cerebral Performance Category Scale) (PCPC) ишлатилган. Шкала боланинг ёшига ва фаолият меъёрига мувофиқ фаолиятининг ижтимоий соҳасига қаратилган ҳолда меъёрдан мия ўлимигача бўлган фаолиятларини тикланишини назарда тутди, шу билан бирга, 1 балл – маъёр, 6 балл – мия ўлимини билдиради.

ҲСни ўрганиш учун биз Pediatric Quality of Life Inventory – PedsQL™4.0 халқаро болаларнинг ҳаёт сифати сўровномасидан фойдаланилган.

PedsQL™4.0 бу дунёдаги машҳур сўровномалардан бири бўлиб, 20 дан ортиқ тилга таржима қилинган. Ушбу восита бир неча мамлакатларда (АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия, Франция, Хитой) кўп марказли тадқиқотларда синондан ўтказилган ва турли ёшдаги соғлом ва касал болаларнинг ҲСни ўрганиш учун оддий, ишончли, сезгир усул сифатида ўзини намоён этган. PedsQL умумий сўровномасининг рус тилидаги версияси А.А. Новик раҳбарлигида халқаро ҳаёт сифати тадқиқотлари маркази мутахассислари томонидан мослаштирилган.

Сўровнома 23 та саволдан иборат бўлиб, жисмоний фаолият (ЖФ) - 8 савол, эмоционал фаолият (ЭФ) - 5 савол, ижтимоий фаолият (ИФ) - 5 савол, ролли фаолият - боғча фаолияти (БФ) ёки мактаб фаолияти (МФ) - 3 ёки 5 саволларни (болаларнинг ёшига қараб) бирлаштирилган.

Сўровнома ёш бўйича блоklarга бўлинади - 2-4 ва 5-7, 8-12 ва 13-16 ёш ҳамда болалар ва ота-оналар томонидан тўлдириладиган шакллар ва 2-4 ёшдаги болалар учун блок (фақат ота-оналар томонидан тўлдирилади). Барча модуллар учун балларнинг умумий сони шкала бўйича 100-балли тизимда ҳисобланди: яқуний киймат қанча юқори бўлса, боланинг ҳаёт сифати шунча яхши бўлади.

Кузатишларда болаларни даволаш интенсив терапия, жарроҳлик амалиёти ва медикаментоз даволашни ўз ичига олган.

Барча 120 нафар текширилган болалар орасида 39 нафариди (32,5%) нейрохирургик даво ўтказилган бўлиб, уларнинг барчаси III гуруҳга мансуб бўлган.

Энг кўп ўтказилган жарроҳлик амалиёти - калла декомпрессия трепанацияси бўлиб, яъни 21 (барча жарроҳлик амалиёти ўтказилганларнинг 53,85%)ни ташкил этган. Калла суягининг резекция трепанацияси 9 (23,08%) ҳолатда амалга оширилди. 8 (20,51%) нафар беморда суяк-пластик трепанация ишлатилган.

Олиб ташланган гематомалар табиатига кўра, энг кўп эпидурал 16 (41,03%), субдурал 7 (17,95%) гематомалар топилган. Калла ичи гематомалар эса 4 (10,26%) беморда аниқланган.

Бош мия жароҳати даврий характерга эга: 3 кун – энг ўткир давр; 3 ҳафта - ўткир давр; 3 ҳафтадан сўнг - орalik давр. Реабилитация бошлашнинг энг мақбул вақти – жароҳат олиш пайтдан бошлаб 1 ой, фаол реабилитациянинг давомийлиги эса 3 ой.

БМЖнинг узок муддатли даврида амалга оширилган асосий реабилитация чора-тадбирлари: даволовчи бадантарбия, массаж, медикаментоз терапия, физиотерапия, психотерапия, олий рухий фаолиятни тиклаш. Болаларда тиббий даволаш ҳажми жароҳатнинг оғир-енгиллиги, реабилитация самарадорлиги ва касалликнинг клиник кўринишлари билан аниқланган.

Ижтимоий реабилитация чора-тадбирлари беморлар учун ўз-ўзига хизмат қилиш фаолиятини, айниқса, қўл-оёқ вазифалари тиклашни ўз ичига олади. Кафтнинг майда ҳаракатланишини ва бош мия мотор соҳаларини тиклаш мақсадида ганчкорлик ва тўқиш қўлланилган.

Бош мия жароҳати бўлган болаларнинг реабилитация салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда даволаш тадбирларининг самарадорлиги баҳоланди. Барча текширилган болалар реабилитация салоҳияти кўрсаткичлари ва «Пантокальцин» тайинланишига қараб танлаш усули билан 2 гуруҳга бўлинган:

асосий гуруҳни «Пантокальцин» ноотроп дори воситасини қабул қилган ва БМЖнинг энгил, ўрта, оғир кечишини бошдан ўтказган 70 нафар бола ташкил қилди: АГ ЮРП (n=12), АГ ЎРП (n=31), АГ ПРП (n=27) мос равишда.

ПРП билан болалар учун - реабилитация чора-тадбирлари ва «Пантокальцин» ноотроп дори воситасини қабул қилиш кунига 250-500 мг дан 3 маҳал 3 ой давомида қабул қилинди, 3 ойдан кейин даволаш курси бир хил миқдорда 3 ой давомида такрорланди. Динамик кузатув соғлиги тўлиқ тиклангунга қадар ҳар ойда ўтказилди.

ЎРП билан болалар учун - реабилитация чора-тадбирлари ва «Пантокальцин» ноотроп дори воситасини қабул қилиш кунига 250 мг дан 3 маҳал 2 ой давомида қабул қилинди, 3 ойдан кейин бир даволаш курси такрорланди. Динамик кузатув соғлиги тўлиқ тиклангунга қадар ҳар 3 ойда ўтказилди.

ЮРП билан болалар учун – неврологик симптомларини ва шикастланганлар танасининг энг муҳим тизимларининг ҳолатини динамик назорат қилиш. «Пантокальцин» дори воситасини кунига 250 мг дан қабул қилинди, 3-4 кун давомида натижа яхши бўлганда кунига 500 мг га қадар оширилди, такрорий даволаш курсларисиз 3 ҳафта давом этди.

Назорат гуруҳлари сифатида, БМЖнинг энгил, ўрта, оғир кечишини бошдан ўтказган 50 нафар болада (НГ I (n=10), НГ II (n=20), НГ III (n=20), мос равишда) ўрганилган. Ёш ва жинс нисбати жиҳатидан назорат гуруҳи статистик ўрганиш гуруҳларини солиштириш мумкин бўлган.

Статистик ҳисоб-китобларни бошладан олдин Колмогоров-Смирнов мезонлари ёрдамида тақсимотнинг «нормаллиги» аниқланди. Гуруҳлараро таққослашларни тақсимот «нормал» бўлганда Стъюдент мезони ва тақсимот «нормал» бўлганда Манн-Уитни мезони ёрдамида амалга оширилди. Шу

билан бирга, лаборатор тадқиқотлари маълумотларини статистик қайта ишлаш бўйича мавжуд кўрсатмаларга амал қилинди.

Диссертациянинг учинчи бобида «**Болаларда бош мия жароҳатининг клиник - неврологик кечиши динамикаси, бош мия жароҳати билан ҳасгаланган болаларда ҳаёт сифати динамикасини баҳолаш натижалари**» барча ўрганилган беморлар орасида жароҳатдан сўнг дарҳол юзага келадиган етакчи клиник белгилар бош оғриғи - 96 (80%) ҳолатда ва бир ёки бир нечта маротаба қусиш 13 (10,83%) ҳолатда аниқланди. 10 (8,33%) нафар беморда ретро-, кон-, антеград амнезия шаклидаги хотира бузилишлари кузатилди. Аксарият БМЖ билан қабул қилинган беморларнинг 51 (42,5%) нафар ўрта оғирликда ва 47 (39,7%) нафариди эса оғир шаклидаги болаларни ташкил қилган.

1 - жадвалда турли ёш гуруҳларидаги шифохонага қабул қилинган вақтидаги бош мия жароҳатини олган болаларнинг ҳолати ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

1- жадвал

Турли ёш гуруҳидаги беморларни қабул қилиш вақтидаги ҳолати

Ҳолати	3-7 ёш		7-14 ёш		14-16 ёш		Жами	
	Мут	%	Мут	%	Мут	%	Мут	%
Енгил	3	13,64	8	36,36	11	50,00	22	18,33
Ўрта	12	23,53	17	33,33	22	43,14	51	42,50
Оғир	9	19,15	23	48,94	15	31,91	47	39,17
Жами	24	20,00	48	40,00	48	40,00	120	100,00

Шифохонага оғир ҳолатда госпитализациянинг аксариятини - 7-14 ёшли болалар (21 барча оғир беморлардан 21 (51,22%)) иборат бўлган. Умуман олганда, шикастланганларнинг 39,17% оғир ҳолатда қабул қилинган.

3 ёшдан 7 ёшгача бўлган ёш гуруҳидаги текширувчиларнинг ҳуши ҳолати КГШнинг модификацияланган (педиатрик) клиник қисми билан аниқланди. Шикастланганларнинг «7 ёшдан 14 ёшгача» ва «14 ёшдан 16 ёшгача» ёш гуруҳлари КГШнинг классик ҳамда бошқа мезонлар бўйича текширилди. Қабул бўлимида кўриқдан ўтказилган аксарият шикастланганлар КГШ бўйича 12-10 (31,67%) ва 7-6 балл (34,17%) олган. КГШ бўйича 7 ёшдан 14 ёшгача – 33 (27,5%) ва 14-16 ёшгача – 28 (23,33%) ёшдаги беморларда максимал балл аниқланган.

Шифохонага қабул қилинган баъзи беморларда 33 (27,50%) нафариди ҳуш бузилишнинг даражаси сопор даражасида эди, 41 (34,17%) нафариди беморда мўтадил кома, чуқур кома – 6 (5%) нафариди аниқланди. 2 (4,17%) нафар беморда ўртача қарахтлик кузатилди ва 22 (18,33%) нафар боланинг ҳуши ўзида эди. 1-гуруҳдаги барча болалар - ҳуши яққол, 2-гуруҳдаги болалар ҳеч қандай ҳолатда ҳуши яққол бўлмади, 9,8% ҳолларда ўртача қарахтлик, 64,7% да чуқур қарахтлик, 25,5% да сопор, 3 - гуруҳдаги болаларда 87,2% ҳолларда мўтадил кома, 12,8% да эса чуқур кома аниқланди (2-жадвал).

Беморларни команинг Глазго шкаласи бўйича ҳушнинг сустлаши даражасига кўра гуруҳларга тақсимланиши

Ҳушнинг сусайиш даражаси	I гуруҳ (n=22)		II гуруҳ (n=51)		III гуруҳ (n=47)		Жами	
	Мут	%	Мут	%	Мут	%	Мут	%
Ҳуши яққол	22	100,0	0	0,00	0	0,00	22	18,33
Ўрта қарахтлик	0	0,00	5	9,80	0	0,00	5	4,17
Чуқур қарахтлик	0	0,00	33	64,71	0	0,00	33	27,50
Сопор	0	0,00	13	25,49	0	0,00	13	10,83
Мўтадил кома	0	0,00	0	0,00	41	87,23	41	34,17
Чуқур кома	0	0,00	0	0,00	6	12,77	6	5,00
M±δ	15,0		10,9±1,7		6,4±0,8		9,3±2,2	

Шифохонага госпитализация қилинган вақтда бош мия жароҳати олганларнинг 65 (54,17%) нафариди мустақил нафас олиш кузатилди, 44 (36,67%) нафар бемор сунъий ўпка вентилизациясида 8 (6,67%) нафар беморда брадипноэ кузатилган, патологик нафас 3 (2,5%) нафар беморда кузатилган. Неврологик ҳолатдаги барча ўзгаришлар 3-жадвалда келтирилган.

Бош мия жароҳати олган болаларда оғирлик даражаси бўйича гуруҳлардаги неврологик бузилишларининг кўрсаткичлари

Неврологик ўзгаришлар	II гуруҳ (n=51)		III гуруҳ (n=47)		Жами	
	Мут	%	Мут	%	Мут	%
Юз нерви парези	2	3,92	9	19,15	11	9,17
Тикилиб йўталиш	1	1,96	5	10,64	6	5,00
VII ва XII жуфт нервлари зарарланиши	0	0,00	2	4,26	2	1,67
Мўтадил гемипарез	0	0,00	12	25,53	12	10,00
Тетрапарез	0	0,00	3	6,38	3	2,50
Мушак тонусининг пасайиши	5	9,80	16	34,04	21	17,50
Мушак тонусининг ошиши	5	9,80	12	25,53	17	14,17
Атония	0	0,00	3	6,38	3	2,50
Чуқур рефлексларнинг пасайиши	5	9,80	11	23,40	16	13,33
Пай рефлексларнинг ошиши	2	3,92	6	12,77	8	6,67
Арефлексия	0	0,00	2	4,26	2	1,67
Тиричиш синдроми	2	3,92	5	10,64	7	5,83

Юз нерв парези 11 (9,7%) нафар беморда мавжуд эди: ўнг томонлама - 4 (3,33%), чап томонлама - 7 (5,83%) нафар. БМЖ бўлган беморларда VIII жуфт бош мия нервларини ўрганиш баъзи кийинчиликларга сабаб бўлган, чунки, боланинг ахволи оғирлигидан эшитиш анализаторининг зарарланишини ҳар доим ҳам аниқлаш имкони бўлмаган. Бирок текширилган беморлар орасида 101 (84,17%) нафар беморда эшитишнинг бузилиши кузатилмади. Ёш бўйича гуруҳлари ўртасида статистик фарқ аниқланмаган ($p > 0,05$).

IX жуфт бош мия нервлари фаолиятини текширилганда 8 (6,67%) нафар беморда тикилиб йўталиш аниқланган.

VII ва XII жуфт бош мия нервларининг шикастланиши фақат 2 (1,67%) нафар беморда аниқланган, бошқа барча ҳолларда тилнинг жойлашуви ўрта чизик бўйлаб бўлди. Шундай қилиб, БМЖдаги бош мия нервлари фаолиятининг бузилиши шикастланганларнинг ўртача 9,7% да аниқланган.

Шундай қилиб, нейровизуализация текшириш усуллари маълумотларига кўра, биз 26,7% ҳолларда турли локализацияли калла суяги синишларини ҳамда синишларнинг энг кўп қайд қилиниши БМЖнинг оғир даражаси кузатилган болалар орасида қайд қилинган. Мияга қон қуюлиши кўп ҳолларда III гуруҳ болаларда учради, компьютер томография ўтказилган болалар умумий сонига нисбати 13,3 % бўлди, улардан 62,5% ҳолларда эпидурал гематомалар кузатилган.

Фаол реабилитация бошланган вақтда Ромберг ҳолатидаги фаол синамада II гуруҳдаги 14 (27,45%) ва III гуруҳдаги 18 (27,45%) нафар беморлар турғунсизлиги, 3 ойдан сўнг – 6 (11,76%) ва 9 (19,15%) нафарида мос равишда, бунда клиник белгиларнинг камайиши мос равишда 57,14% ва 50%ни ташкил этган. «Юқори асабийлашиш» шикоятининг динамикаси эътиборни жалб қилади: шундай қилиб, II гуруҳда бундай беморларнинг сони реабилитация даври бошида 2 та ва фаол реабилитация охирига келиб 15 нафарга етган (дастлабки кўрсаткичдан 65%га ортди), III гуруҳда эса - 7 ва 19 нафар болаларга мос равишда (дастлабки кўрсаткичдан 271,43% га ортди) кузатилган.

Ўрганилган бош мия жароҳати билан хасталанган болаларнинг мия фаолиятларини тикланишини (мия фаолиятларини тикланиш педиатрик шкаласи (Pediatric Cerebral Performance Category Scale) (PCPC) ва умумий фаолиятларини тиклашиш педиатрик шкаласи (Pediatric Overall Performance Category Scale) (POPC) кўра баҳоланган.

НГШ шкаласи бўйича гуруҳдаги ўртача балл $3,91 \pm 0,07$, энг яхши натижа 3-7 ёшдаги болалар гуруҳида – $4,01 \pm 0,09$ балл ва энг ёмон натижа эса 7-14 ёш гуруҳидаги болалар – $4,71 \pm 0,09$ кузатилган.

PCPC ва POPC шкалаларида натижалар юқоридаги тенденцияни такрорлайди, шундай қилиб, мианинг функционал ҳолати ва болаларнинг ижтимоий соҳасини тикланиши II гуруҳда яхшироқ кечди, шу билан бирга, энг яхши тикланиш даражаси 3-7 ёшда болалар ва энг ёмон тикланиш даражаси 7-

14 ёшда болалар томонидан намоёиш этилди, бу эса аслида мунтазамлигини тасдиқлайган.

Бош мия жароҳати билан хасталанган болаларда мианинг функционал ҳолатини баҳолаш учун ЭЭГ кўрсаткичлари динамикаси таҳлил қилинган. ЭЭГ характеристикаси кон айланишининг микдорий ўзгаришлари, орқа мия суюқлиги динамикаси, шунингдек метабolik жараёнларни баҳолашга ёрдам беради. Тадқиқотда ЭЭГ ўзгаришларини баҳолаш учун тавсифловчи-кўргазмали усулдан фойдаланилган ва Е. А. Жирмунская (1993), таснифи бўйича ЭЭГ турларининг таснифига амал қилинган.

Натижада БМЖ билан хасталанган болаларда жароҳатдан 1 ой ўтгач, ёш хусусиятларига кўра ЭЭГ асосий ритмларининг бузилиши аниқланган. Бу даврда ЭЭГ асосий ритмлари амплитудаси ва шиддатининг пасайиши фонида кортикал ритмнинг диффуз дисинхронизациялашуви қайд этилган. Сохалараро характердаги фарқлар даражаси спектрининг β -диапазони кучининг ортиши негизда текисланишга мойилликка эга бўлган. Патологик характердаги ўзгаришлар α -тўлқинларнинг нотекис амплитудаси ва даврларида модуляция бузилишларининг оғирлигига ва амплитуда параметрлари бўйича фазовий тақсимланишига мойиллик, ритм даражасининг I-гурухда 1,6 марта, 2-гурухда 1,9 марта ва 3-гурухда 2,3 марта ортиши билан ифодаланган.

Фотостимуляция асосий ЭЭГ ритмларининг десинхронлашувига сабаб бўлди, бу эса ўз навбатида мия пўстоги фаоллашув жараёнларининг ортишини кўрсатган.

Кузатиш динамикасида БМЖ оғир даражаси бўлган болаларда ЭЭГнинг I тури кам кузатилган (66,0%), енгил БМЖ енгил даражаси юзага келиш 90,9%га, БМЖ ўрта оғирликдаги эса 80,4% га етган. ЭЭГ 2 гиперсинхрон тури даражаси жароҳат олгандан 1 ой кейин текширилганда БМЖ оғирлик даражасига қараб ишончли ($p < 0,05$) ортган (I, II ва III гуруҳларда 18,2%, 21,6% ва 23,4%га мос равишда). Кузатиш динамикасида ўртача оғир ва оғир даражали БМЖларда ЭЭГ 2 тури даражасининг пасайиши кузатилди, бироқ, у ишончли характерга эга эмас эди. Бу маълум даражада БМЖдан кейин 4 ой ичида неврологик ўзгаришларнинг клиник барқарорлигини тасдиқлаган.

ЭЭГнинг 3 носинхрон тури - фақат ўрта оғир ва оғир даражали БМЖ билан болаларда топилган, бу хол ўз навбатида, бола жароҳат олгандан сўнг, касалхонага госпитализациядан кейин Глазго шкаласи бўйича паст баллар билан боғлиқ ($r = -0,689$). Ўрта оғир ва оғир БМЖ бўлган болаларда (5,9% и 14,9%; $P < 0,05$) бу ритмнинг сакланиши вегетатив бузилишларнинг устунлиги ва асабий -депрессив кўринишларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

ЭЭГнинг тартибсиз 4-ва 5-турлари жароҳатдан 1 ой кейин БМЖнинг оғир шакли кузатилган бўлган болаларда (3,9% 6,4%га қарши) 1,6 мартаба кўп ($p < 0,05$) қайд этилган бўлиб, бу жароҳатдан кейин таламо-пўстлок кортикал

ва кортикал-субкортикал пўстлоқ - пўстлоқ ости ўзаро таъсирларнинг янада оғир бўлишини кўрсатган.

БМЖ олгандан 4 ой кейин ёш билан боғлиқ ЭЭГ ўзгаришлари қайд қилинган. БМЖ ўрта оғир ва оғир шаклида бўлган мактабгача ёшдаги болаларда а-ритмнинг тартибсизлиги кўринишида биопотенциалларда энгил ёки ўртгача ўзгаришлар, кўпол бўлмаган патологик фаолият ва мия ўзаги тузилмаларининг дисфункцияси ЭЭГ белгилари мавжудлиги қайд этилган. Ҳолбуки, мактаб ёшидаги болаларда ЭЭГда мўтадил ўзгаришлар кузатилган. Нотекис, аммо барқарор ритм негизда кўпол бўлмаган θ ва β фаоллик аниқланган. Ҳолатларнинг ярмида, ЭЭГда алоҳида ўткир тўлқинлар, асинхрон ва синхрон β -тебранишлар, билатерал β -тўлқинлар ва орқа ярим шарларда ўткир потенциаллар қайд этилган.

